

Бу кун турк дунёсининг энг мухим масалаларидан бири хар ерда кўтарилмакда бўлгон тил ва харф масалаларидир.

Бу масала факат бу йил очилгон ва бошлангон нарса эмасдир.

1905 йил Русиё инкилоби, 1908 йилдаги Туркия инкилобидан илгари бошланиб, булардан кейин кайнагон ва халигача давом этмакда эди. Турклар Оврупо маданияти билан якинлаша бошлагон вақтларда истар Туркияда, истар Крим, Кафкос ва Тотористонда бу масалалари билан шугулланатургонлар кўруна бошладилар.

Туркияда бир ёқдан «Лисон тасфия»чилари туркчани араб, форс тили тахаккуми остидан кутказишга тиришсалар, бундан ўрнак олиб Кафкос, Крим ва Тотористонда ҳам тилда соддачилик жараёнлари бошланди. Бу масалалар бошлангон турк мамлакатлари бир-бировларига ўхшаш ижтимоий вазиятда бўлгонларидан бу харакатнинг умумий хатлари бир-бировига жуда яқиндир, хатто бир-бировининг айнаидир.

Турк дунёсининг хар ерида «хаик тилига» якинлашмок майли бошлангони учун бир турк тили бўлиниб, турли лахжа ва шева адабиётлари бошлади. Бу «тамоюл» сўнг йилларда яна кучайиб, халигача бир оз «мунфаил — пассив» вазиятда бўлгон ўзбек, киргиз, уйгур каби кабилалар ҳам ўз шеваларида газеталар, журналлар, китоблар босдира бошладилар.

Бу соддачилик харакати, ташлангон араб, форс сўзлари ўрнига ишлатйш учун янги сўзлар топиш эҳтиёжини тугдирди.

Илмий истилох ва таъбирлар умуман арабча ва форсча бўлгонидан, биринчи даражада хужумга учрагон эдилар. Туркияда дорулфунун ва анжумани дониш бўлгонидан бу илмий истилохларга зарба бериш муваффакият кўрмади. Чунки борни ташлаш осон бўлса ҳам, йўқдан тузиш кийин эди, айникса уни ишга ошириш учун кўб фурсат талаб килинар эди. Туркия учун бу харакат илмда тўкнашишга сабаб бўлар эди. Шунинг учун бу масалалар бир ёқдан эски холи давом этар эди. Бунга мажбурият бор эди.

Тотористон, Крим, Кофкозё, Туркистоннинг вазияти эса бундан бошка эди.

Бунда дорулфунун ёки ўрта мактаб эмас, бошлангич мактаб (усули жадид) масаласи кетар эди. Бунда илмий истилохларга эҳтиёж йўқ даражасида бўлгонидан бу

«инкилобий зарба» бу тарафда сезилмади. Факат секин-секин Русия турклари орасида ҳам илмий масалаларга якинлашиш кучайди. Ўрта, хатто, олий даража мактаблар курула бошлаш арафасига эришилганидан бошлаб, илмий истилох ва таъбирларига эҳтиёж хис этидди.

Тотористон уч юз йилдан бери рус маданияти таъсири остида бўлгонига таяниб, рус истилох ва таъбирларини кабул килишга майил кўрсатди.

Кофкозё ва Крим эса Тотористонга карагонда бошка бир йўл тутди. Яъни турк -

Истанбул дорулфунунига табаъият килди, у ишланган арабча ва форсча истилохларни ишлатди, у кабул килгон араб истилохларини рус шаклида эмас, тўғридан-тўғри араб шаклида кабул килди.

Ўзбеклар арабча ва форсча кўп таъбирларни саклаган бўлсалар ҳам, киргиз-козоклар буткул махаллийлашдирмакга киришдилар, кила олмагонларини тоторлар каби русдан олдилар.

Бу илмий истилох ва таъбирлар бобидаги вазият тилнинг умумий тузулиш жихатига ҳам таъсирсиз колмади.

Крим, Кофкозё (кейинрок туркманлар ҳам) шевалари усмонличага яқин бўлгонидан

шунча якинлаша бош-ладилар.

Тоторлар эса (бошқирдлар билан бирга) ҳам жуғрофий вазиятлари, ҳам бу рус истилох ва таъбирларини русдан олиш майли орқасида ўрусга якинлаша бордилар. Тотор газета ва журналларининг ҳеч бўлмагонда, 40 фоизи рус сўзлари билан тўлди.

Киргиз, козок зиёлиси ҳам тотор изидан бормокдалар. Бу ҳол улар учун табиийдир, борни ташладилар, ўзлари тузуб ишга ошира олмадилар. Ўрнига ўрусча кирди.

Ўзбекнинг бу иккисидан қайсисига якин экани ҳали очик эмас.

Ахвол, вазият шу даражага келгандан кейин, турк дунёсининг ҳар ерида айниқса бу масала ечилишига ортиқча муҳтож бўлгон Крим, Қофқозё, тотор, ўзбек, туркманлар орасида тил масаласи янги бир шаклда кўзгол-ди, уда тил бирлиги масаласи эди.

Бу масалани бошлаб кўзгоюн Исмоилбекдир. Лекин бу киши ўзи бошлагон ишга илмий бир асос қура олмагонидан, бу ташаббуси сўнишга маҳкум эди. Бу кун эса бу масалалар илмий бир шаклда майдонга отилмоқдадир. Бунинг биринчи намояндаси «Турк-тотор илмий сарфи», «Турк-тотор лисониятина мадҳал» отли илмий нарсалар эгаси Крим дорулфунуни мударриси дўктур Чўбонзодадир.

Бу зот ўз асарларида турклар учун умумий бир тил кераклигани илгари сурадир ва бунинг учун тубандагича муҳокама қиладир:

«Адабий лисон ила жонли дил орасинда буюқ фарқ бордир. Адабий лисоннинг ёзилуб ва ёзи, китоблар, мактаблар воситаси-ла ўрганилиб «кўнушма» дилни дўғридан-дўғри ихтиёрий ва эътибори бир суратда ўрганилмасдин илари галар. Ишта бунинг ичин адабий лисон пак оз ва пак ёвош ва ишдаги ҳолда «кўнушма лисони» пак чобуқ ва пак зиёда дагишир. Асосан унга жонли дил демамининг сабабида ишта бу табаддулдаки суратдан дулайидир. Бунга очик мисол араб ёзувида лотин ёзили адабий лисони ила, араб ва ёхуд, лотин шевалари орасидаки фарқдир. Сарф китоблари ишта бу сабабдан дулайи дурли-дурли ўла билирлар».

«Ажабо ҳар ханги бир миллатнинг лисони нуктаи назаридан ягона соф лисони ўлмишидир ва ўла билirmi? Буни адо этмақ лисоннинг энг басит қоидаларина ошно бўлмоқ демақдир. Ҳеч бир миллат йўқдирки унинг яқпора, яқнасақ лисони ўлсун. Хатто даҳо зиёда тафтиш эдажак ўлурсоқ, ҳар фардинг кандисина маҳсус бир тоқим этёд ва хусусиятлари бордирки, бунларинг хаёти мажмуаси унинг «шахсий лисони, услуби, сарфи, нахвини» ташкил этадир».

«Турк-тотор халқ лисонлари, хатто киргизларда доҳил ўддиги ҳодда бир-биридан тамомила айрилмиш лисонлар ҳолина гаддиги йўқдир. Турк-тотор лисон гаручасиндан айрилиб, муस्ताқил лисон ҳолина галмиш ялингиз чуваш ила ёқут лисонлари вордир. Бунинг учун бутун тотор халқ лисонларининг лугат, қалима ташқили, ниҳоят нахв ва услубини бир ерда тўпламоқ имқони оз дагиддир ва буйла бир ташаббус турк-тотор халқларининг маданията кирмалари, қувватли, маданий марказлара молик бўлинмалари ичин фавқуллодда ёрдам эдажакдир. Шубҳасиз бу хусусда қалқуб Истанбул шеваси турк-тоторларининг умумий лисони ўлмоқ ичин чўқ дагишмақ ва они дўли халқ лисонина ёқлашмоқ лозимдир.

Кирон шевасина галинжа унинг энгил ўлмиёжок даражада дигар шевалара таъсири ўлмоқ-ла баробар буйла бир вазият ҳоқим ўлмоқда чўқ узокдир.

Муҳталиф шевалардан айри-айри адабиёт, мактаб, матбуот майдона гатирмақ савдоси мунаввараларидан пак чўгининг гечдиги дар бир қуридурадир. Холбуқи, бу мумқин дагилдир. Бугун Донимарқа, Исвич, Нуруч қибни миллатлар билан лисонларинг дигар буюқ миллатларинг лисонларини ёқлашдирмага чолишмоқдадир».

Бу ергача кўчирганимиз Чўбонзоданинг фикридир. Машхур прўфессур С. Самойлович ҳам шу фикрдадир. Бу фикр тарафдорлари турк миллатининг маданиятига кириш учун «тил бирлиги»ни энг биринчи омил деб биладир. Прўфессур Самойлович Ленинград шарк дорулфунунида, Чўбонзода Крим ва Кафкосда олий мактаб талабаларига шу фикрни талкин этмакдадирлар. Бу масалалар олий, илмий ихтисос муассасаларида жиддий суратда текширилмакга бошлангондир.

Иккинчи масала харф масаласидир. Янги имло масаласининг Туркияда, Тотористонда ва бизда бошланганига кўб йиллар бўлса ҳам лотин харфни кабул килиш учун жиддий музокаралар пгу икки йил орасида кучайиб колди. Буюк инкилобимиздан кейин бу масала Тотористонда жиддийрак кўзголгон бўлса ҳам тез сўнди. Кофкозёда эса кундан-кун бу ташаббус ортмоқдадир. Лотинчиларнинг уюшмалари ташкилоти доирасини кенгайтирмакда, матбуотини кучайтирмоқ ва кўб таркотмоқ учун тиришмакдадир. Бу лотинчилик бир ёкдан шу муваффакиятларга эришмакда бўлса, иккинчи жихатдан Кримда, Тотористонда, Кофкозёда бир кучли жиддий карши ҳаракат ҳам кўзгатмоқдадир.

Ўтган йил Кримнинг машхур ёзувчиларидан Хасан Сабрий Айвазуф «Янги дунё»нинг 3—4 сонида араб харфини ёклаб, лотин харфларининг камчиликларини кўрсатиб узун илмий маколалар ёзади.

Озарбойжон Маориф комиссарининг нашр афкори «Маориф ва маданият» журнали дорулфунун мусаррисларидан Мухиддиннинг фикрларини майдонга ташлади. Сўнг вақтларда тотор мухаррирлари ҳам бу тўғриларда ёза бошладилар.

Марказ фирка кўмитасининг нашриёт бўлими томонидан чиқарилатурган ҳафталик бюллетин «Книганоша»нинг ўтган сонларида ҳам бу тўғрида ёзилиб турганидек кўлимиздаги 26 нчи сонида «Алифбо масаласи тўғрисида» бир макола Ф.Тохироф имзоси билан чикди.

Бу киши Фуод ўртоқнинг маколасини танкид қилгандан кейин лотин харфини кабул килиш ва лотин алифбосига ўтиш тотор маданиятининг ўсиши учун ёрдам кила оладими, деган саволни бергандан кейин маъноларни тубандагича санай бошлайдилар:

1-бу кунгача араб хуруфоти билан босдирилган мактаб китобларини қайта бошдан босдириш керак бўлади;

2-тотор муаллимларини тамоман қайта бошдан тайёрлаш;

3-тотор матбааларини тамоман қайта бошдан тайёрлаш;

4-кайтадан харф тергучилар тайёрлаш;

5-бутун тоторча китобларни лотин алифбоси билан босдириш;

6-юз фоиз саводсиз халкни ўқитиш.

«Чунки лотинча кабул қилинганда бутун халк саводсиз бўлиб қолади», дегандан кейин ўртоқ Тохироф: «Агар бу манбаларга карамасдан лотинчани кабул қиласиз десалар, шу манбалар сабаби тотор маданий ўсиши ўн йилларча кейинга кетар ва лотинчиларнинг машхур «лотинча маданият куролидур» деган казиялари курук бир даъво бўлуб колур», деб илова қиладир.

Энди бу тўғрида яна Чўбонзодани эштайлик:

«Турк-тоторларнинг мисоллари шимдия қадар ўрхун, уйгур, сери, яхудий, рум, армани, рус, лотин, араб, чин харфлари-ла ёзилмишидир.

Лекин мухталиф даврларда бу ёзилар кўлланилган одамлар ҳеч бир вақт турк-тотор савтларининг хусуси нукталарини назари эътибора олмамиш каби гўрунурлар.

Турк-тотор дилларини ёзмок ичин умумий типлари оложок ўлурсиз - А, О, У, Д, И, И, О

каби саслари ёзажак харфлар ижод этмак лозимдир. Ишта бу ода араб ёзисининг буюк кусури майдона чикиюр.

Араб ёзиси бир чўк асрлар тарафинда дурк табаддулар кечириши бўлиндигинда гелиши гўзал ёпилажак бир харф анда ўлмокдан ҳеч бир замон куритилмаюр. Бунинг ичин шимдия кадар герак муаллим Ножий, герак самиласли Исмоил Хакка ва козонлилар тарафиндан ёпилан тажрибаларнинг ҳеч бириси буюк бир муваффакиятга ноил ўлолмади. Буни гўран ва ёзининг ислохи ёзилишиндан воз кечмак фикрина душмишлардирки, бунинг ерина баъзилар лотин, баъзиларда рус алифбосининг кабулини таклиф этмакдадирлар.

Илм назаринда араб ёзиси ила лотин ёзиси орасинда ҳеч бир фарк йўқдир. Хар иккисида ёзишиндан чиқарок бириси шарка, дитари гарба дўгри инкишоф этмишдир. Энг идеал вазият бир дилдан бўлина сас кадар харф ижол этмагимизки, бу даражая хануз ҳеч бир алифбо вормишдир. Ва дилнинг дурмадан инкишоф этдигини назари эътибори олалсак вормок имконида йўқдир».

Бу фикр эгасининг айтмак истагани маълумдир. Яънн арабни лотин билан алишдирмокнинг илм назаридан ҳеч бир ортиклиги йўқдир дейдир.

Юкоридан бери кетирилган харф тўгрисидаги фикрларнинг хаммасини бир ерга йигсак, шу чиқадирки, бу харфни ўзгартиш масаласи ҳеч бир ижтимоий фойдаси бўлмагон, балки кўб зарарлар бўлгон бир ташаббусдир. Бунинг илмий бир киймати йўқдир. Шунинг учун бу масалаларни кўюб маданий ҳаётнинг ўсушига ёрдам бератургон бошка масалалар билан шугулланмок керакдур.

Мана бу кунги харф — тил масаласининг вазияти шундайдир. Бу маколамиздан максадимизда шу вазият билан ўкигувчиларимизни таништирмок эди.

Илова ўларок шунида билдирайликки, биринчи ўктабрда Бакуда йигилмокчи бўлгон бутун дунё туркшунослар курултойи шу масалаларнинг кўтарйш натижасидир ва бунда бизнинг шу ечилмаган тугунларимиз хал килинса керак.

Агарда бу курултой бизнинг эҳтиёжимизни тузук тушуниб, амалга ошириши мумкин бўлгон фойдали йўллар кўрсатса, бизнинг маданий ҳаётимиз учун биринчи «ёрдамчи» мохиятини козонгон бўладир.

---

«Тил ва харф масаласи». 20-йиллар илмий мухотида айна масала жиддий бахс-мунозара объекти бўлган. В. Махмуд бунга хам ўз муносабатини биддирган. Мазкур макола 1925 йил «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1925 йил 5 - 6-сонида босилиб чиккан.